

УЛЬТРАТОВУШЛИ ТЕКШИРУВИДА АНИҚЛАНГАН ЎТ ПУФАГИ АДЕНОМАСИНИНГ МОРФОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ



Хамидов Обид Абдурахманович, Жуманов Зиядулла Эшмаматович, Бекназарова Холнисо Нурилло кизи Самарқанд давлат тиббиёт университети, Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд ш.

МОРФОЛОГИЧЕСКАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА АДЕНОМЫ ЖЕЛЧНОГО ПУЗЫРЯ, ОПРЕДЕЛЯЕМАЯ ПРИ УЛЬТРАЗВУКОВОМ ИССЛЕДОВАНИИ

Хамидов Обид Абдурахманович, Жуманов Зиядулла Эшмаматович, Бекназарова Холнисо Нурилло кизи Самарқандский государственный медицинский университет, Республика Узбекистан, г. Самарқанд

MORPHOLOGICAL CHARACTERISTICS OF GALL BLADDER ADENOMA DETERMINED BY ULTRASOUND STUDY

Khamidov Obid Abdurakhmanovich, Jumanov Ziyadulla Eshmamatovich, Beknazarova Kholniso Nurillo kizi Samarkand State Medical University, Republic of Uzbekistan, Samarkand

e-mail: oxamidov@gmail.com

Резюме. Ультратовушли текширувида аниқланган ўт пуфаги аденомасини морфологик жиҳатларини аниқлаш мақсадида 26 нафар бемордан жарроҳлик амалиётида олинган ўт пуфаги аденомасининг бўлакчалари морфологик текширувдан ўтказилган. Аниқланганки, ўт пуфагида тубуляр, папилляр ва тубуляр-папилляр аденомаларининг учраш частотаси бир-биридан яққол фарқ қилади. Ўт пуфаги аденомаси кўпроқ призматик эпителийдан тузилганлиги таъкидланган.

Калит сўзлар: Ўт пуфаги, аденома, морфология, жиҳат.

Abstract. In order to determine the morphological features of the gallbladder adenoma, revealed by ultrasound examination, fragments of the gallbladder adenoma taken during the operation of 26 patients were subjected to morphological examination. It has been established that the frequency of meeting tubular, papillary and tubular-papillary adenomas in the gallbladder clearly differs from each other. It is noted that the gallbladder adenoma consists mainly of prismatic epithelium.

Key words: bile bubble, adenoma, morphology, aspect.

Сўнгги йилларда бутун дунё бўйлаб ўт пуфагининг яхши сифатли полипсимон ҳосилаларининг шаклланиши билан оғриган беморлар сони кескин ортиб бориши кузатилмоқда. Ушбу патологиянинг тарқалиши, адабиётларда келтирилган маълумотларга кўра, 4-6% ни ташкил қилади [1]. Ўт пуфагининг хавфсиз ҳосилалари учун бажарилган жарроҳлик аралашувларнинг улуши холецистэктомияларнинг умумий сонининг 10-15,8% ни ташкил қилади [5]. Ўт пуфагининг хавфсиз ҳосилалари 57% дан 80% гача гистологик жиҳатдан гетероген тузилишга эга бўлган холестерин "полиплари" ташкил этади [6]. Ўт пуфаги полиплари таркибида папилломалар 25,5% ни, аденомалар - 11% ни ташкил қилади, улар одатда кичик ўлчамларга эга бўлади ва 72% ҳолларда ўт пуфагидан ташқари, каналларга ҳам таъсир қилиши мумкин [7]. Ўт пуфаги полипларининг диагностикаси биринчи навбатда ультратовуш текширувига асосланади.

Бундан ташқари, ушбу усул сизга ушбу патологияни юқори частотали ташхислаш имконини беради. Полипларнинг битта ёки бир нечта экзоген ҳосилалари ташхис қилинади, улар ўт пуфагидаги тошлардан фарқи ўлароқ бемор бир томондан иккинчисига ўтирилганда ҳаракат қилмайди. Бундан ташқари, полипларнинг акустик сояси мавжуд бўлмайди [2].


Тадқиқотнинг мақсади: ультратовушли текширувида аниқланган ўт пуфаги аденомасининг морфологик хусусиятларини аниқлаш.

Материал ва тадқиқот усуллари. Самарқанд давлат тиббиёт университети кўп тармоқли клиникаси хирургия бўлимида ультратовушли текширув асосида 26 нафар (шулардан 23 нафари аёл, 3 нафари эркаклардир) беморларда аниқланган ўт пуфаги аденомаси жарроҳлик йўли билан олиб ташланган ўт пуфагининг ўзгарган қисмидан тўқима

бўлакчалари олинди. Бўлакчалардан тайёрланган гистологик қирқмалар гематоксилин ва эозин билан бўялди. Тайёрланган микропрепаратларда ўт пуфаги аденомасига морфологик жиҳатдан баҳо берилди.

Натижалар ва муҳокамалар:


Ультратовушли теширув ёрдамида аниқланган ўт пуфаги ҳосиласи ташхиси туфайли жарроҳлик йўли билан олиб ташланган 26 нафар беморнинг ўт пуфаги макроскопик текширувдан ўтказилганда ўт пуфагининг шиллик пардасига оёқчаси билан бириккан майда ўлчамли, оч жигарранг кўринишидаги ҳосила аниқланади. Микроскопик текширувдан ўтказилганда 18 нафар беморнинг ўт пуфагининг тубуляр аденомаси аниқланди (1-расм). Улар ўртача ёши $58 \pm 4,0$ бўлган аёллардир. 6 нафаридан папилляр тури аниқланган бўлиб уларнинг ўртача ёши $51 \pm 3,0$ ни ташкил этган бўлиб, шундан 4 нафари аёллар ва 2 нафари эркеклардир. Қолган 2 нафаридан (уларнинг ўртача ёши $45 \pm 5,0$ ни ташкил этади. Улардан 1 нафари (50%) аёл ва 1 нафари (50%) эркек) тубуляр-папилляр тури қайд этилди.



Расм 1. Ўт пуфагининг тубуляр аденомаси. Пилорик типдаги безларда жойлашган призматик эпителий. Гематоксилин-эозинда бўялган. Об.40, ок.10

Тубуляр аденома пилорик типдаги безлардан иборат бўлиб, улар призматик эпителийдан тузилган, ядро ва цитоплазма нисбати жуда пастлиги аниқланади. Уларнинг ораликларида строма кўзга ташланмайди. Айрим гистологик препаратларда безларнинг киста кўринишида кенгайганлиги, уларнинг тартибсиз жойлашганлиги ядро цитоплазма нисбати юқорилиги ва ядрочанинг яққол кўзга ташланиши кузатилади (2-расм).


Тайёрланган микропрепаратларнинг айримларида ўт пуфагида кам сонли безлардан иборат бўлиб, яққа тартибда жойлашган безнинг кистоз кенгайганлиги аниқланади (3-расм). Без пилорик типда бўлиб, призматик эпителийдан тузилган ва бир қатор бўлиб жойлашганлиги файд этилади.



Расм 2. Ўт пуфагининг тубуляр аденомаси. Пилорик типдаги кистоз ўзгариши. Гематоксилин-эозинда бўялган. Об.40, ок.10



Расм 3. Ўт пуфагининг тубуляр аденомаси. Яққа тартибда безнинг кистоз кенгайиши. Гематоксилин-эозинда бўялган. Об.40, ок.10



Расм 4. Ўт пуфагининг папилляр аденомаси. Периферик соҳаси айрим эпителийларнинг метаплазияси. Гематоксилин-эозинда бўялган. Об.40, ок.10

Ўт пуфагининг папилляр аденомоси бизнинг текширувларда ичак типдаги эпителийдан ташкил топган бўлиб, пролефизация ҳолатида эканлиги қайд этилади. Айрим жойларида блиар типдаги эпителий кўзга ташланади. Аденоманинг периферик қисмларида жойлашган айрим эпителийларда метаплазия жараёни аниқланади (4-расм).

Тубуляр-папилляр аденоманинг без

хужайраларида призматик эпителийнинг енгил даражали дисплазияси аниқланади.

Пилорик аденомалар қаттиқ, майда, юмалок ва бир хил пилорик безлар билан тавсифланади (8). Бизнинг текширувларимизда ўт пуфаги аденомалари кўпроқ бир хилдаги кўп қаторли, ядроси тўқ бўялган призматик эпителийдан ташкил топганлиги аниқланди.

Хулоса. Шундай қилиб, ўт пуфагида тубуляр, папилляр ва тубуляр-папилляр аденомаларининг учраш частотаси бир-биридан яққол фарқ қилади. Жумладан ўт пуфагининг тубуляр аденомасининг учраш частотаси юқориққоқдир. Ўт пуфаги аденомалари туридан қатъий назар кўпроқ призматик эпителийдан тузилган бўлиб, уларда дисплазия ва метаплазия ҳолати кузатилади. Бу патологик жараёнларни аденокарциномага айланмасдан вақтида бартараф қилиш ва олинган аденомаларни ўт пуфаги аденокарциномаси билан албатта солиштирма таҳлили ўтказилиши лозим.

Адабиётлар:

1. Алексис Р.О., Алексис О.Ц., Ильина Т.П. Полипоз желчного пузыря // Тер. арх.-1990.-№ 4.-С. 103-108.
2. Кубаев А. С. Оптимизация диагностики и лечения верхней микрогнатии с учетом морфофункциональных изменений средней зоны лица // Научные исследования. – 2020. – №. 3 (34). – С. 33-36.
3. Мирончев А.О, Мирончев О. В., Мирончева Д.Ф. "Полипы желчного пузыря у пожилых (обзор литературы)" Оренбургский медицинский вестник, IV (53), 2016, С. 72-75.
4. Никитина М.Н., Стебунов С.С. Полипоз желчного пузыря // Материалы науч.-практ. конф. «Новые технологии в медицине: диагностика, лечение, реабилитация».-Минск, 2004.- Т. 2.-С. 55-58.
5. Никитина М.Н., Стебунов С.С., Пиманов С.И. Что скрывается за ультразвуковым заключением «полип» или «полипоз» желчного пузыря // Материалы науч.-практ. конф. «Новые технологии в медицине: диагностика, лечение, реабилитация».-Минск, 2002.-Т. 2.-С. 67-71.
6. Ризаев Ж. А., Кубаев А. С., Абдукадиров А. А. Состояние риномаксиллярного комплекса и его анатомо-функциональных изменений у взрослых больных с верхней микрогнатией // Журнал теоретической и клинической медицины. – 2020. – №. 3. – С. 162-165.
7. Ризаев Ж. А., Ризаев Э. А., Кубаев А. С. Роль иммунной системы ротовой полости при инфицировании пациентов коронавирусом SARS-COV-2 // Здоровье, демография, экология финно-угорских народов. – 2020. – №. 3. – С. 67-69.
8. Ризаев Ж. А., Асадуллаев Н. С., Абдувакилов Ж. У. Динамика возрастных показателей физико-

химического состава ротовой жидкости у лиц пожилого и старческого возраста //Вісник проблем біології і медицини. – 2018. – Т. 1. – №. 3 (145). – С. 382-385.

9. Ризаев Ж. А., Туксонбоев Н. Х. У. Деформация носа с расщелиной и ринопластика // Scientific progress. – 2021. – Т. 2. – №. 2. – С. 92-104.

10.Ризаев Ж. А., Хазратов А. И., Иорданишвили А. К. Морфофункциональная характеристика слизистой оболочки жевательного аппарата при экспериментальном канцерогенезе //Российский стоматологический журнал. – 2021. – Т. 25. – №. 3. – С. 225-231.

11.Ризаев Ж. А. и др. Оценка точности установки дентальных имплантатов // Журнал стоматологии и краниофациальных исследований. – 2023. – Т. 4. – №. 2.

12.Ризаев, Ж. А., Ахророва, М. Ш., Кубаев, А. С., & Хазратов, А. И. (2022). Changes in the mucous membranes of the oral cavity in patients depending on the clinical course of covid-19. Журнал Стоматологии и краниофациальных исследований, 3(1).

13.Chijiiwa K., Tanaka M. Polypoid lesions of the gallbladder: indications of carcinoma and outcome after surgery for malignant polypoid lesions // Int. Surg.-1994.-Vol. 79, № 2.-P. 106-109.

14. Diaz-Placencia J., Vilela Desposorio C., Rebaza-Iparraguirre H. et al. Polypoid lesions of the gallbladder // Rev. Gastroenterol. Peru.-1994.-Vol. 14, № 1.-P. 22-26.

15.Zhang X.H. Polypoid lesions of the gallbladder. Clinical and pathological correlation // Chung. Hua Wai Ko Tsa Chin.-1991.- Vol. 29, № 4.-P. 211-213.

16.Yang G, Qin H, Raza A, et al. Pyloric gland adenoma of the gallbladder-two case reports and a brief review of the literature. Journal of Gastrointestinal Oncology. 2016; 7 (S 1): P 81–C87.

МОРФОЛОГИЧЕСКАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА АДЕНОМЫ ЖЕЛЧНОГО ПУЗЫРЯ, ОПРЕДЕЛЯЕМАЯ ПРИ УЛЬТРАЗВУКОВОМ ИССЛЕДОВАНИИ

Хамидов О.А., Жуманов З.Э., Бекназарова Х.Н.

Резюме. С целью определения морфологических особенностей аденомы желчного пузыря, выявленной при ультразвуковом исследовании, морфологическому исследованию были подвергнуты фрагменты аденомы желчного пузыря, взятые во время операции у 26 больных. Установлено, что частота встречи тубулярных, папиллярных и тубулярно-папиллярных аденом в желчном пузыре четко отличается друг от друга. Отмечено, что аденома желчного пузыря состоит преимущественно из призматического эпителия.

Ключевые слова: желчный пузырь, аденома, морфология, аспект.